

УРУҒЛИК БЕДАНИ ЙИҒИШТИРИШ ВА ТАШИШ

Маҳмудов Д. (ТермДУ)

Мамлакатимизда қишлоқ хўжалигини механизациялаш, фермер хўжаликларини зарур техника ва бошқа моддий-техник ресурслар билан таъминлаш, меҳнатини енгиллаштириш, ортиқча харажатлар ва таннархни камайтириш, юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминлашга катта эътибор берилмоқда [1].

Чорвачилик учун муҳим озуқа бўлган беданинг уруғини ялпи ҳосилини оширишнинг муҳим резервларидан бири ўримда нобудгарчиликни камайтиришдир, беда йиғиштириб олишда ҳозирча у анча юқори. Бу ҳол шу билан тушунтириладики, уруғлик бедани ўриб олиш учун махсус техника йўқ ва шу сабабли донли экинларни йиғиштириш машиналаридан фойдаланишга тўғри келади. Хўжаликларда турли технология ва ҳар хил машиналар мажмуаси қўлланилади, бу уруғлик учун ажратилган бедазорларни механизациялаш даражасини оширишга тўсқинлик қилади.

Суғориладиган ҳудудларда уруғлик беда асосан алоҳида ўриб, алоҳида йиғиштириб олинади. Бу ишлар беда дуккакларнинг 70-80 фоизи қўнғир тусга кирганида ўтказилади. Бевосита комбайнлашда ҳўл массани янчиш иш унумининг пасайишга олиб келади, ҳамда бундай усулда олинган уруғ жуда нам бўлади, тез бузилади, унга қайта ишлов беришга қўшимча меҳнат ва вақт талаб қилинади.

Алоҳида ўриб, алоҳида йиғиштириб олишнинг афзаллиги шундаки, ўрилган масса далада қурийди ва йиғиштириб олишда яхши янчилади. Лекин бу усул бедани ўришда уруғнинг кўп миқдорда тўкилиб кетиши сабабли уруғчилик хўжаликларининг талабига тўлиқ жавоб бермайди.

Ўтказилган тажрибаларнинг кўрсатишича, беда эрталабки соатларда ўрилганда нобудгарчилик 6-10 фоизни, куннинг иссиқ вақтида-15 фоиз ва ундан ортиқни ташкил этар экан. Бу шу билан тушунтириладики, уруғлик диккакчаларнинг етилган қисми ўриш машиналари ишчи органларининг механик таъсири остида осон узилади. Нобудгарчиликни бартараф этиш учун уруғ тутиш мосламаси ишлаб чиқилган. [2,3] Мослама ичига шнек жойлаштирилган сиғимдан иборат бўлиб, унинг устига панжара ўрнатилган. Мослама ўриш машинасининг чиқарувчи дарчаси олдида ўрнатилади. Ўрилган масса панжара орқали ўтиб, уюмга тахланади, ўриш машинасининг иш органларининг механик таъсири остида ажратилган уруғлик аралашма панжара хивичлари орасидан сиғимга тушади, у ерда машина рамасига ўрнатилган бункерга узатилади.

Дала тажрибаларининг кўрсатишича, уруғлик бедани ўриб, уюмларга уйишда уруғ тутувчи мосламани қўллаш нобудгарчиликни анча камайтирган ҳолда, дуккакчаларнинг намлигига кўра гектаридан қўшимча 20-60 кг гача юқори сифатли уруғ олишни таъминлайди. [2,3,4] Бир вақтнинг ўзида уруғ тутиш мосламасида бегона ўтлар уруғи ҳам йиғиштириб олинади, бу эса далаларнинг бегона ўтлар билан ифлосланишининг олдини олади.

Ўрилган масса қуриганидан ва уруғ тўлиқ етилганидан кейин уюмлар ғалла комбайнларида йиғиштирилади ва янчилади. Йиғиштиришни кечиктириш уруғнинг уюмларда ўз-ўзидан тўкилишига сабаб бўлади.

Беда экини физикавий-механикавий ва агробиологик хусусиятлари жиҳатдан ғалла экинларидан кескин фарқ қилади. Агар ғалла комбайнини қайта жиҳозламаган ва герметизация қилмаган ҳолда ишлатса, у атига 35-40 фоиз уруғ ишқалайди холос ва бунда йиғиштирилган ҳосилга нисбатан кўпроқ уруғ нобуд бўлиши мумкин.

Саноатда уруғлик бедани йиғиштириб олиш учун ғалла комбайнларига 54-108А мосламалари ишлаб чиқарилган. Йиғиштириш жараёнида ишқаловчи курилма янчиш барабани билан биргаликда ишлаб, комбайннинг устки бошоқ шнекидан узатилаётган бедадаги уруғни уқалайди. Вентилятор қопқоқлари комбайннинг тозалаш панжараси томон келаётган ҳаво оқими тезлигини пасайтиради ва уруғнинг ғарамлагичга учиб тушишига йўл қўймайди. Панжара уруғни майда ўсимлик қолдиқларидан яхшироқ тозалаш учун хизмат қилади.

Хўжаликларда ўтказилган тажрибаларнинг кўрсатишича, 54-108А мосламасини қўллаш комбайнда беда ўрилганида уруғ нобудгарчилигини 2 марта камайитиришга, уруғни тўла тозалаб олишга имкон берди. Бунда уруғнинг майдаланганлиги 1,5 фоиздан ошмайди. [4]

Бедани уруғ учун ўришда иш сифати кўп жиҳатдан дон йиғиш комбайнларининг кинематик режимларини тўғри танлашга ва технологик созлашга боғлиқ. Комбайнни қуйидагича созлаш таклиф этилади: янчиш барабанининг айланиш частотаси 1000-1100 мин⁻¹ янчиш апаратининг тирқишлари киришда 20 мм, ўртасида-16 мм, чиқишда 4-мм; ишқаланувчи юза рифлари ва барабан савағичлари ўртасидаги тирқиш: киришда-7 мм, чиқишда-2 мм; қўшимча қопқоқлар ўрнатилганда вентиляторларнинг айланиш частотаси 430-500 мин⁻¹ бўлсин [4].

Маълумки, ғалла комбайнида унинг 40 дан кўпроқ уланган жойларидан дон тўкилиши мумкин. Агар беда уруғининг жуда майда ва тўкилувчанлигини эътиборга олинса, анча кўп уруғ йўқолиши турган гап. Шу боисдан уруғлик беда йиғиштирилганда комбайнни герметизация қилиш жуда муҳим аҳамиятга эга.

Бедани уруғ учун ўришдан олдин комбайнлар яхши герметикланган бўлиши керак. Комбайн агрегатлари, бўғин ва деталларидаги уруғ тўкилиши мумкин бўлган барча тирқишларни ғовак ва юмшоқ материаллардан қилинган қистирмалар билан ёпиш лозим. Бундай ишни янги комбайнларда ҳам бажариш зарур. Бу тадбир ҳар гектарда 20-30 кг уруғни сақлаб қолишга ёрдам беради [5].

Беда уруғи жуда майда ва оқувчан, шунинг учун уруғ ташийдиган транспорт воситаларининг уруғ тўкилиши мумкин бўлган барча тирқишлари ғовак ва юмшоқ материаллардан қилинган қистирмалар билан герметик ёпилган бўлиши шарт.

Ўрим-йиғим ишларини қўлай агротехника муддатларда ўтказиш, уруғлик бедани йиғиштириш усулини тўғри танлаш, ишлатиладиган ўрим-йиғим машиналарини қайта жиҳозлаш, параметр ва режимларини мослаштириб ростлаш, транспорт воситаларини гермитизация қилиш уруғ нобудгарчилигини 40-50 фоиздан 5-6 фоизгача камайтиради.

Адабиётлар

1. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, катъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак-Т.: Ўзбекистон, 2017, 104 б.

2. Абдумуталов А.Ю., Махмудов Д. Семьяловительное приспособление к косилке-плюшилке КПС-5Г // Техника в сельском хозяйстве –М.: 1984, №8, с. 21.

3. Махмудов Д. Снижение потерь при уборке семян // Кормопроизводство –М.: 1987, № 11, с. 38-39.

4. Махмудов Д. Совершенствование технологии уборки семенников люцерны// Хлопководство –М.: 1985, № 4, с. 34.

5. Абдумуталов А.Ю., Махмудов Д. Уруғлик бедани йиғадиган дон комбайнини тайёрлаш // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги - Тошкент, 1984, №6, б. 35-36.